Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (20. 573) • 1990 йил 7 январь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Янги туғилган чақалоқларни соғлом ўстириш, ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир патронаж хизмати кўрсатиш учун ихтисослаштирилган марказларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади.

(Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастуридан).

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ВА УЙҒУН ЎССИН

Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастури: оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш—ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз

Денов шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли марказий касалхонада аҳоли сиҳат-саломатлигини, айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишига катта эътибор берилмоқда. Бу ерда кўп болали ва кам таъминланган оилалардаги 2 ёшгача бўлган болаларни бепул овқатлантириш учун 52 минг сўм сарфланган. Шаҳарда, 4 та қишлоқ участка касалхоналари, 2 та қишлоқ врачлик амбулаториялари ва 2 та фельдшерлик-акушерлик пунктларида сут тарқатиш пунктлари ташкил этилган.

«Ўзбекистон Компартияси оналик ва болаликни ҳимоя қилишни, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ўзининг маънавий бурчи деб ҳисоблайди». Бу сўзлар ҳаракат дастурида алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас. Ҳа, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу мақсадда 1990 йилдан умумий таълим мактабларининг 1-5-синфлари ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этишга, камқонлик касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёлларга ёрдам беришга қўшимча 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Колхозларга давлат хариди ҳисобидан касалхоналар ва болалар боғчалари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиб беришга рухсат этилди.

Доимий мактабгача тарбия муассасаларини жадал қуриш билан бирга, шу йили хонадонларда 100 минг ўринли болалар боғчалари барпо этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек мактабларда болалар олти ёшдан ўқитилиши ҳисобга олиниб, келгуси беш йилликнинг охирига борганда болалар муассасалари билан таъминланиш 50 фоиздан ортиб кетади. Соғлиқни сақлаш системасида 1990 йилда касалхоналардаги ўринлар сони 4,7 мингта, амбулатория-поликлиника муассасаларида беморларни қабул қилиш бир сменада 16 мингдан зиёд ошади. Кексалар ва ногиронлар учун уй-интернатлар тармоғи ривожлантирилиб, уларда маиший қулайликлар кўпайтирилади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш партия, совет, жамоат ташкилотларининг диққат-марказида бўлиши керак. Шу йилдан бошлаб шаҳарларда хусусий квартираларда яшовчиларнинг коммунал хизматга ҳақ тўлаш имтиёзлари уларга нисбатан жорий этилади. Уй-жойга жуда муҳтож ўқитувчилар, врачлар ва табобат ходимларига, ёш мутахассисларга шу мақсадларга мўлжаллаб уй-жой майдонлари, санаторий-курортларга йўлланмалар ажратиш кўзда тутилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг квартираларида яшовчи 78 мингга яқин талабаси ойига маълум миқдорда квартира ҳақи эвазига пул олади.

Ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши учун шарт-шароит яратишга катта эътибор берилмоқда, ҳаёт муҳитини соғломлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмоқда. Бугунги кунда Оролбўйи экология фалокати зонасига айланганлиги ҳаммани ташвишлантираётир. Бу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир бола, ҳар бир аҳоли учун ғамхўрлик қилиниши керак.

Оролбўйи атрофидаги ерлар — Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области аҳолиси сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда бир мунча тажриба тўпланди. Бу ердаги деярли барча аҳоли диспансер кўригидан ўтказилди. Мамлакатимиз, республикамизнинг медицина илмий-тадқиқот институтлари олимлари ва областлар шифокорларидан иборат бригадалар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда жон куйдирдилар. Хоразм областидаги 8 та бригада таркибида 174 врач ва 322 ўрта медицина ходими ишлади. Иш якунлари кенгайтирилган кенгашда муҳокама қилинди. Ютуқлар оммалаштирилиб, нуқсонларга ўз вақтида барҳам берилди. Урганч, Дружба шаҳарлари, Боғот, Гурлан, Хазорасп, Янгиариқ районларида бу ишга жиддий киришилди. Аммо, Янгибозор, Шовот, Хива, Мўйноқ, Элиққалъа районларида эса бу муҳим тадбирни ўтказишда етарли эътибор кўрсатилмади. Айни пайтда бундай бригадалар ўз ишларини етарли моддий-техника базаларисиз, кадрларсиз, аппарат ва жиҳозларсиз бошлаганлигини тан олиш керак. Кўпгина масалалар кўрикни ўтказиш давомида ҳал этилади. Бу эса аҳолини диспансер кўригидан ўтказиш давомида жиддий нуқсонларга йўл очиб берди.

Партия, совет, жамоат ташкилотлари Оролбўйи аҳолиси сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш борасида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари, санитария хизмати, депутатлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида барча корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларни экология жиҳатидан паспортлаштириш кўзда тутилмоқда. Белгиланган шартлар бузилган корхоналар ишини тўхтатиб қўйиш, ёпиш, бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага айлантириш учун чора-тадбирни кўриш зарур.

СССР халқ депутатларининг иккинчи съездида сўнгги йилларда, Қорақалпоғистон автоном республикасининг айрим районларида болалар кўплаб нобуд бўлаётганлиги рўй-рост айтилди. Сув сифати ёмонлашгани сабабли ҚҚАССРда ҳам, умуман, Оролбўйи регионида ҳам ичак, меъда, ўпка касалликлари кўпаймоқда.

Ўзбекистон Компартияси, бутун мамлакат ёрдамида, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан мустаҳкам алоқада иш олиб бориб, Оролни сақлаб қолиш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Оролбўйида экология ва санитария муҳитини соғломлаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун курашга бутун кучини сарфламоқда. Бу ишларни мувофиқлаштириш учун Иттифоқ даражасида махсус идоралар ташкил этилмоқда. Ҳақиқатан табиий муҳитни соғломлаштириш, Орол денгизи ҳавзасидаги санитария-экология вазиятини яхшилаш — жуда катта куч-ғайрат, маблағ ва кўпгина моддий ресурсларни талаб этадиган кенг қамровли муаммодир. Бу муаммони тез, соз ва ўз вақтида бажариш ҳар бир партия, совет ташкилотларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Биз «Энг яхши нарсалар — болаларга!», «Болалар — келажагимиз!» «Ҳар доим бўлсин қуёш!» дея шиорбозликни, қарсак бозликни хуш кўрдик. Нега! Мамлакат бўйича ҳар минг боланинг 25 нафарини бир ёшга етмасданоқ бой беряпмиз. Бу америкалик, француз, инглиз, ғарбий немисларникига нисбатан 2,5-5 баробар кўп! Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистондаги ҳолат эса бундан ҳам ташвишли. Мана бу мисолга назар ташланг: ўтган йили Ўрта Осиё бўйича 17 минг нафар бўлажак она туғишгача бирор марта шифокор ҳузурида бўлмаган. Кўпгина туғруқхона, болалар касалхоналари ҳам шу кун талабига жавоб бермайди. Санитария маданияти паст. Мослаштирилган шифохоналарда канализация йўқ, иссиқ, совуқ сув билан таъминланмаган. Айниқса қишлоқларда болалар врачлари етишмаётир.

Фарзанд — кўз қорачиғимиз. Улар соғлом ва ҳар томонлама уйғун ўссагина келажагимиз янада тотли, барқарор ва жўшқин бўлади. Бунинг учун янги туғилган чақалоқларни соғлом ўстириш, ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг марказларини янада ривожлантириш даркор. Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида айтилганидек, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир!

МУРУВВАТ

Кейинги йилларда республикамизда камқонлик касаллиги оналар ва болалар ўртасида кенг ёйилганлиги очиқ тан олинмоқда. Бу касалликни бартараф этиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилаётир! Шу ҳақда гапириб бериш учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Диловар Насимовна ҚОБУЛОВАга мурожаат этдик:

— Боланинг соғлом ва дуркун ўсиши учун она сути билан бирга таомларнинг хилма-хил ва сифатли бўлиши муҳимдир. Сўнгги йилларда республикамизда болалар ўлимининг кўплиги, она сутидан тортиб истеъмол қиладиган таомларнинг сифатсизлиги аниқланмоқда.

Нимжон ва хаста болаларга тўйимли овқат бериш зарур. Ҳозир тўйимли эмаслиги учун айрим сутли қоришмалардан воз кечишга тўғри келяпти.

Министрликка қарашли Педиатрия илмий институти ходимлари соғлом болаларнинг овқатланиши, болаларга тўйимли парҳез таомлар берилишини ҳар жиҳатдан ўрганиб боришмоқда. Шу институтнинг илмий ходимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институти коллективи билан ҳамкорликда парҳез таомлар «Ором-1», «Ором-2» ҳамда сабзавот консервалари ва мева шарбатлари технологиясини яратдилар. Янгийўл консерва заводида болалар таомлари ишлаб чиқарила бошланди.

Шу йил январидан бошлаб ҳар бир оила аъзоси учун 75 сўмдан ошмаган кам даромаддаги оилалардаги ҳомиладор аёллар ҳомиласининг 20 ҳафтасидан бошлаб соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан тасдиқланган рўйхат асосида кунига 2 сўмлик бепул озиқ-овқат маҳсулотлари берилади. Бунда бериладиган озиқ-овқатлар асосан гўшт, сарёғ, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, мева ва сабзавотлардан иборатдир. Ў ёки бу маҳсулотнинг савдода йўқлиги тақдирда, фақат сут берилади. Камқонликни даволаш учун дори-дармонлар ва витаминлар ҳомиладор аёлларга хотин-қизлар консультациялари, қишлоқ врачлик амбулаториялари орқали терапевт ёки акушер-гинекологлар хулосаларига асосан бепул берилади. Даволаш курслари ҳомиладорликнинг 16—24 ва 34 ҳафталигида сурункасига 50 кун давомида ҳар бир кунга 50 тийин ҳисобидан дармондорилар билан таъминланади.

Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «1990 йилда Ўзбекистон ССР халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги социал аҳволни яхшилаш юзасидан тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан давлат томонидан кам даромадли оилалардаги ҳомиладорларни бепул озиқ-овқатлар билан таъминлаш мақсадида 36,6 миллион сўмдан ортиқ пул сарфлаш мўлжалланган.

Шу кунларда Хоразм областидаги савдо шохобчаларида «Оналар ва болалар овқатлари» деган бўлимлар ташкил этилмоқда. Шовот район «СССР 60 йиллиги» совхозининг директори Аҳмаджон Абдуллаев ва касаба союз ташкилоти ташаббуси билан совхоздаги ҳомиладор аёллар учун иш жойларида бепул иссиқ овқатлар билан таъминлаш уюштирилмоқда. Бундай тадбирлар Андижон, Бухоро областларида ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳам амалга оширилмоқда.

Суҳбатни республика «Саломатлик» маркази матбуот группаси ходими А. ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

Тажриба давом этади

Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида билимларнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш ва яхшилаш алоҳида ўқитилган. Қарши шаҳридаги М. Горький номли 5-мактабда худди шу асосда тажриба олиб борилаётир. Мактабда 8-синфдан сўнг материаллар бўйича синфлар ташкил этилаётир.

1987 йили математика чуқур ўқитиладиган синф ўқувчилари илк бор етуклик аттестати олган эди. Мактабни тамомлаган 22 нафар ёшнинг деярли ҳаммаси олий техника ўқув юртларига киришга муяссар бўлдилар.

Суратда: мактаб билан ҳамкорлик қилаётган Қарши давлат педагогика институти информатика ҳисоблаш техникаси кафедрасида. Инженер-программачи Нодира Бегматова ва юқори синф ўқувчиси Шоҳида Рўзнева.

Ш. ШАРОПОВ суратлари (ЎзТАГ).

• Бугун ва эрта

БОЛАЛАР ФОНДИНИНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИГАН ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВИ

• 7—8 январь кунлари илк бор Совет Иттифоқида болалар фондининг 24 соатлик хайрия телевизион кўрсатуви эфирга чиқади. Кўрсатув Марказий телевидениенинг иккинчи Бутуниттифоқ программаси орқали берилади. Кўрсатувда В. И. Ленин номли Совет болалар фондининг Ўзбекистон бўлими фаол иштирок этади.

— Программадан мақсад — деди ЎзТАГ мухбири Н. Полянская билан суҳбатда кўрсатув қатнашчиси, болалар фонди республика бўлими раисининг ўринбосари Н. И. Исҳоқов, — болаларни муҳофаза қилишнинг янги самарали системасини вужудга келтириш йўлида Умуминиттифоқ болалар фонди уюштираётган программаларга совет ва чет эл жамоатчилиги эътиборини қаратишдан иборат. Ана шу программалар орасида оилавий болалар уйлари ташкил этиш программаси — «Меҳрибон қалб», онкологик касалликларга чалинган болаларга ёрдам берувчи «Умид», болалар уйлари тарбияланувчиларининг ҳаётда ўз ўрнларини топишида кўмаклашиш муддаосини кўзловчи «Тақдирда ҳамдам» программалари бор. «Бола ҳаёти» программаси доирасида болалар орасида ўлим энг кўп бўлган Қорақалпоғистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа районларига медицина десантлари юборилди. Болалар фонди маблағларига ғўдаклар учун мўлжалланган шифохоналар қурилмоқда. Истеъдодли болалар учун стипендиялар ва бошқа кўпгина тадбирлар жорий этилмоқда.

Болалар фонди телевизион кўрсатуви ана шу фаолиятни маблағ билан таъминлашга жуда катта хайрия тадбиридир. Кўрсатув 7 январь куни соат 20 дан 8 январь куни соат 20 гача (Москва вақти билан) Совет Иттифоқининг барча регионларига бевосита эфирга чиқарилади. Программа давомида чет мамлакатлар билан телевизион кўрсатувлар ташкил этилади, машҳур сиёсат ва жамоат арбоблари, санъат усталари, кино, эстрада, рок-музика «юлдузлари» сўзга чиқадилар.

Республика болалар фонди ана шу хайрли ишда ғоят фаол қатнашади. Биз етимликка барҳам бериш ва оилавий болалар уйларини ташкил этиш, болалар ўлимини қамайтириш, чернобиллик болаларга, Арманистон ва Тожикистон зилзиласидан азият чеккан болаларга, ногирон ва турли касалликларга чалинган болаларга, кўп болали оилаларга, ёш истеъдодларга ёрдам беришни кўзда тутувчи узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программаларимиз тўғрисида жамоатчиликка сўзлаб берамиз.

Республика болалар фонди ташкил этилганига атиги бир йил бўлди. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ болаларга ёрдам беришни кўзда тутувчи катта-катта программаларни рўёбга чиқариш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Телевизион кўрсатувнинг Ўзбекистонга бағишланган қисмида ана шу ҳақда гап боради. Пайчилик асосида Бутуниттифоқ болалар шифохоналари ва саломатликни тиклаш марказларини барпо этяпмиз. Ўрта Осиё медицина педиатрия институти базасида республика педиатрия маркази ташкил этилмоқда. Унда ташкил этиш режалаштирилаётган ўн саккизта бўлимдан биринчиси буйрак касалликлари маркази бир йилдан буён ишлаб турибди. Бу ерда ўлкада илк бор хирургик гемодеализ бўлими, генетика хизмати бўлими ташкил этилади. Республика болалар фонди ҳозирнинг ўзидаёқ медицина ускуналари харид қилиш учун 302 минг сўм ажратди, бундан буён ҳам ана шу марказга маблағлар ажратамиз. Айни пайтда республика Фанлар академияси Микробиология институти негизида республика болалар фонди кўмагида «Ором-1» ва «Ором-2» шифобахш тўйимли сутли болалар таоми яратиш билан шуғулланувчи лаборатория ташкил этилди.

Болаларга ғамхўрлик қилиш борасида ўзининг олижаноб анъаналари билан машҳур бўлган Ўзбекистонда Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Чориев ва СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Е. Ф. Фоменко телевизион кўрсатувни биринчилар қаторида қўллаб-қувватладилар. Улар ўзларининг иккитадан энг яхши тасвирий санъат асарини болалар фондига туҳфа этдилар. Бу асарлар телевизион кўрсатув вақтида ким ошди савдосида сотилади.

(ЎзТАГ).

Янгиликдан хабарингиз борми?

Санаторийга 50 минг сўм

• Ўзбекистон нефть маҳсулотлари таъминоти Давлат комитети яқинда Н. К. Крупская номли республика болалар суяк сили касалликлари санаторийсини оталиққа олди. Комитет раиси А. Зимиевский, партия ташкилоти секретари Ф. Иброҳимов, касаба союз ташкилоти раиси Б. Сандазизов санаторийимизда бўлиб, бу ердаги шароит билан яқиндан танишдилар ва эллик минг сўм хайрия пули ўтказдилар.

Санаторийимизда асосан суяк сили ва суякнинг хроник турдаги йиринглиланиши касаллиги билан оғриган 550 бола даволанади. Санаторий қошидаги ўрта таълим мактабида дарслар деярли палаталарда ўтилади.

Бу ерда тажрибали мутахассис шифокорлар, педагоглар ишласалар-да, узоқ йиллар мобайнида масъул ташкилотларнинг раҳбарлари медицина муассасаларига панжа орасидан қарашлари оқибатида моддий-техника базамиз ночор аҳволга келиб қолганди.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида қайд этилганидек, «Меҳр-мурувват» деб аталган республика комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда. Шунга асосан, меҳр-шафқат ва мурувват кўрсатиш анъаналари қайта тикланмоқда. Ошқоралик, демократия, инсон тўғрисида, айниқса саломатлик бобида чинакам ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Оталиқ ташкилотларимиз кўрсатган мурувватлари туфайли, шахмат-шашка, тренажлар, спорт буюмлари ва кийимлари, ўрин-кўрпа ва ёстиқ жилдлари, барча беморларга бир сидра ички кийимлар, телевизорлар, радиоприёмниклар, эшик ва дерезалар учун дарпардалар, бир марта ишлатиладиган шприцлар, сотиб олдик.

А. ТУРСУНОВА,
санаторий бош врачи, медицина фанлари номзоди.

ҚОНУН ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунини амалга оширишни фаоллаштириш керак — республика Министрлар Совети мазкур муаммо юзасидан тузган комиссиянинг 5 январь куни бўлган мажлисида ана шу вазифа ўртага қўйилди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов олиб борди.

Республика Маиший хизмат кўрсатиш ва Уй-жой-коммунал хўжалиги министрликлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Давлат тилига ўтиш юзасидан қандай ишлар қилинганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижрочиларга етказилди, бўладиган сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилинди (масалан, республика Маиший хизмат кўрсатиш министрлигида бу сарф-харажат қариб 7 миллион сўмни ташкил этади). Меҳнат коллективларида ва аҳолининг истиқомат жойларида Қонун ўрганилмоқда ва шарҳланмоқда.

Шу билан бирга давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда сусткашлик фактлари борлиги кўрсатиб ўтилди. Қонуннинг амал қила бошлаган моддалари тўла рўёбга чиқарилаётгани йўқ. Таълим-тарбия ишлари ўзбек тилида олиб бориладиган мактабгача тарбия болалар муассасаларини, бошқа миллий группалар тўп бўлиб яшайдиган жойларда таълим-тарбия ишлари шу миллат тилларида олиб бориладиган шундай муассасаларни кўпайтиришга дуруст эътибор берилаётгани йўқ. Аҳоли билан бевосита алоқада бўладиган раҳбар ходимлар, шунингдек кадрлар бўлимлари ходимларининг давлат тилини ўрганишини фаоллаштириш зарур.

Республика атамалар комитети фаолияти етарлича фаол эмаслиги танқид қилинди, бунинг оқибатида оммавий ахборот воситаларида ўзига хос «атама ижодкорлиги»га уринишлар бор, бундай уринишлар илмий ёндашувлардан йироқдир. Халқ маорифи идоралари ўзбек тилини ўқитиш методикасини яратишни жадаллаштиришлари зарур. Областлар, шаҳарлар ва районларда Қонунни амалга ошириш учун режали иш секин авж олдирилмоқда.

Комиссия республика Маиший хизмат кўрсатиш ва Уй-жой-коммунал хўжалик министрликлари зиммасига ўз қарамоғларидаги ташкилотлар ва корхоналарда давлат тилига ўтиш соҳасидаги ишни жадаллаштириш вазифасини юклади. Жумладан, шу яқин орада таржимонлар лавозимлари жорий этилиши, маблағ билан таъминлаш манбалари аниқланиши, норматив-техникавий ҳужжатлар давлат тилида ёзилиши керак. Республика Давлат план комитетига ва Моддий-техника таъминоти давлат комитетига кетма-кет таржима қилиш техникасини ва ҳужжатларни ўзбек тилида босиш техникасини етказиб беришни жадаллаштириш топширилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига конкрет топшириқлар берилди, мазкур ижроия комитет Қонунни рўёбга чиқариш учун комиссия тузиши, яқин кунларда ҳукуматга ҳуқуқни муҳофаза этиш органларида, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасаларида, шаҳар хўжалиги бўлинмаларида давлат тилининг юритилишини таъминлаш учун таклифлар тақдим этиши керак. Ана шу муассасалар ва ташкилотлар 1 мартга қадар малакали мутахассислар билан таъминланиши, бу муассасалар ва ташкилотларда таржимонлар лавозимлари бўлиши керак.

Ҳукумат комиссияси давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг барча моддалари тўла ва ўз вақтида адо этилишини таъминлаш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилиши ва жойлардаги ташкилот ва муассасаларга доимий амалий ёрдам кўрсатилиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

5 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Бир қанча область партия комитетлари секретарларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини амалга оширишга доир ахборотлари муҳокама қилинди.

Комиссия бу иш Қорақалпоғистон АССРда, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё областларида қандай олиб борилаётганлиги билан батафсил танишиб чиқди.

Сира кечиктирмай ҳал этилаётган долзарб вазифалар орасида томорқа участкалари учун ер ажратиб бериш, умумий таълим мактаблари биринчи—бешинчи синфлари ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, кам қонлилик касалига учраган ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш вазифалари бор. Республиканинг баъзи областларида ана шу муаммолар тегишлича жадаллик билан ҳал этилмаётганлиги, ҳаракат дастурининг асосий бандларини амалга ошириш юзасидан ҳали ҳам аниқ программалар ишлаб чиқилмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, томорқа ажратиб бериш тўғрисидаги аризаларни ҳал этиш асоссиз равишда чўзиб юборилаётганлиги, қишки таътилдан кейиноқ болалар бепул овқат олишлари учун ҳамма иш қилинмаганлиги, аҳолининг, айниқса қишлоқда маданий савияни ошириш масалалари сусткашлик билан ҳал этилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Меҳнаткашларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ривожлантириш ишида янада дадил чоралар кўриш керак.

Партия комитетлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастури амалга оширилишини доимий назорат остига олишлари керак, дейишди мажлис қатнашчилари.

Халқ байрамлари ва маросимларини қайтадан тиклаш ва такомиллаштириш билан шуғулланувчи ишчи группанинг ахбороти тингланди. Бу соҳада олиб борилаётган ишларни меҳнаткашлар, аҳоли турли қатламлари ва ижтимоий группалари миннатдорчилик билан кутиб олаётганлиги таъкидланди.

Азалий халқ байрами «Наврўз» қайтадан тикланганини, республика областларида ўтган қишлоқ хўжалик мавсуми якунларига бағишлаб «Пахта байрами» ўтказилганлигини, бу байрам доирасида профессионал ва ҳаваскорлик санъатининг хилма-хил турларидан, томошалар ва мусобақаларнинг фольклор шаклларидан фойдаланилганлигини одамлар маъқуллаб кутиб олдилар, бу тадбирлар республикада маънавий-руҳий вазиятни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

«Наврўз» ва «Пахта байрами»нинг ўтказилиши ҳамма жойда чинакам байналмилал байрамга айланиб, Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар анъанавий маросимларини ривожлантириш учун омил бўлганлиги диққатга сазовордир.

Миллий маросимларни янада ривожлантириш мақсадида бу йил «Наврўз»ни байрам қилишга тайёргарликни авж олдириб юбориш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Партия, совет идораларига, хўжаликларнинг, маданият муассасаларининг раҳбарларига «Наврўз» байрамини ўтказишда жамоатчиликнинг ижодий ташаббусига кенгроқ таяниш, маъмуриятчилик ва ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйишдан воз кечиш тавсия этилди. «Наврўз» байрамига тайёргарлик давомида кўчалар ва майдонларни тозалаш, боғлар ва хиёбонларни обод қилиш, янги мевазор боғлар барпо қилиш учун халқ ҳашарини ташкил этиш тавсия қилинди.

«Наврўз»ни Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар байрамига айлантириш, деҳқон меҳнатидан фахрланиш ва бундай меҳнат қадрини ошириш мақсадида «Наврўз» байрамидан янада фаолроқ фойдаланиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

«Наврўз» байрами тадбирларини ўтказишда ижодкор зиёлилар, фан ва маданият арбоблари фаол иштирок этишлари зарурлигига эътибор қаратилди. Ўзбекистонда ва региондаги қўшни республикаларда «Наврўз» байрамига тайёргарлик ва уни ўтказишни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение кенг ёритиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ишчи группасининг халқ байрамлари ва маросимларини қайта тиклаш, меҳнаткашларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг ролини ошириш тадбирлари ҳақидаги конкрет таклифлари маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Давлат Гимнини қайта кўриб чиқиш ва унинг янги матнини тайёрлаш билан шуғулланадиган ишчи группаси тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Идеология комиссиясининг биринчи ярим йиллик учун тузган иш плани тасдиқланди.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов бошқариб борди.

(ЎзТАГ).

• ЁШЛАР ТАРБИЯСИ: МУАММО, МУЛОҲАЗА, ИЗЛАНИШ

«ИШЛАШ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲОЗИРГИДЕК МУРАККАБ ВА ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛМАГАНДИ»

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретари **А. НОСИРОВ** билан суҳбат

Республика Коммунистик партияси кўрсатмалари асосида комсомол Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракатдан. Республика келажаги ёшларга, ёшлар учун ўқиш, меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини яратишга олиб ёшларнинг ташаббускорлиги ошириб бормоқда. Уларнинг иштимоий ҳал қилмоқда. Бироқ жамиятнинг энг комсомол ташкилоти қайта қуриш жараёнларидан орқада қолаётир. КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда комсомол қайта қуриш учун кам амалий натижа келтирувчи мунозаралар босқичидан чиқа олмаётганлиги танқид қилинди. «Комсомол амалда йигит-қизлар манфаатларини ифодаловчи ёшларнинг бақувват, жўшқин сиёсий ташкилотига айланиши мумкин ва лозим», — деб таъкидлади М. С. Горбачев кенгашда. Бу — Ўзбекистон комсомоли учун ҳам тааллуқлидир. Республика комсомоли ўз фаолиятини, ёшлар билан ишлаш усул ва услубларини қай тарзда қайта қуриб оляпти? Ёшларни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига жалб этяптими? Унинг ёшлар билан олиб бораётган тарбиявий-ташкилий ишлари аҳволи қандай? Ёшларнинг социалистик қадриятларга, сиёсий фаолиятга интилиши ҳамиша ҳам тўғри йўлга солиб юборияптими? Ушбу суҳбатда гап ана шулар ҳақида боради.

— Азиз Носирович! Бутун малакатимиз кейинги тўрт йил мобайнида қайта қуриш, янгиланиш руҳи билан яшамоқда. Жамиятимизда давр талаблари асосида ўз ишини қайта қуриб олмаётган бирор соҳа йўқ, десак янглишмаймиз. Шу муносабат билан республика комсомол ташкилоти ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида олиб бораётган тарбиявий ишларда қандай ўзгаришлар бўлганлигини сўзлаб берсангиз?

— Биз яшаётган давр ҳақиқатан ҳам турмушимизнинг ҳамма жиҳатларига, жумладан, дунёқарашимизга ҳам, келажагимиз, обрў-эътиборимиз ва ишимизга ҳам ўзгартишларини киритмоқда. Тарбиявий ишларда қандай ўзгаришлар бўлганлиги, ҳозир қандай ишлаётганимиз тўғрисида кўп гапириш мумкин. Аммо мен саволингизга иложи борича қисқа ва лўнда жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан.

Аввало, бу ўзгаришлар аввалгидек кўрсатма-кичлар кетидан қувиш, тадбирбозлик, кўпроқ шов-шув бўладиган, аммо самараси турли хил кампаниялардан, дабдабали шиорлар ва чақириқлардан воз кечганлигимизда ўз аксини топди. Ёшлар аслида биз уларга таклиф этаётганимизга нисбатан кўпроқ нарсалардан хабардордирлар. Агар таъбир жоиз бўлса, монолог ўрнини диалог, кабинетда ўтириб ишлаш ўрнини цехларда, бригадаларда ва ҳатто... рухсат этилмаган митингларда ёшлар билан шахсан алоқада бўлиб ишлаш услуби эгаллади.

Бугун ёшлар ўзларига етакчи бўлган кишилардан мунозарали масалалардаги бир хилликдан воз кечишни, сўзда конкрет бўлишни, ишда ҳам ана шунга қатъий амал қилишни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилмоқдалар. Бироқ ҳозирчалик комсомол кадрлари ва фаоллари митингларда кишилар билан мулоқотда бўлиш санъатини, сиёсий мунозара олиб бориш маҳоратини сўзлаштирмоқдалар. Улар ҳамиша ҳам қайта қуришга чин кўнгилдан ёрдам беришга интилишни мавжуд муаммоларни рўкач этиб, шу билан чайқовчилик қилишдан фарқлай олаётганлари йўқ. Демак, бугун бизга бошқа тоифадаги етакчилар зарур бўлиб қолди.

Биз ўз олдимизга энг обрўли, ёшларни ўз ортидан эргаштириб бора оладиган, ташаббускор йигит ва қизларнинг комсомол ташкилотларига раҳбар бўлишларига эришишдек муҳим вазифани қўйганмиз. Майли, уларда олий маълумот ҳам бўлмасин, майли, улар норасмий ташкилот аъзолари ҳам бўлсинлар, аммо энг муҳими — уларда ўзларининг ҳақ эканликларига ишонч бўлсин, бошқаларни ҳам шунга ишонтира билсинлар. Ёшлар ҳам ишониб, уларнинг ортидан эргашсин. Бошқача айтганда, биз аввал расм бўлганидек, ишга анкетавий ёндашиш услубидан бутунлай воз кечишимиз лозим ва воз кечамиз ҳам.

— Комсомол ва ёшларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга иштироки ҳақида. Ўзбекистондаги ҳозирги мавжуд иқтисодий аҳвол вазиятида бу тушунча ёшлар онгида қандай акс садо беряпти? Амалий ишлар ва ташаббуслар адресини айтсангиз?

— Биз бугунги кун вазифаларини республика иқтисодиётида вужудга келган ҳақиқий аҳвол ҳамда социал соҳадаги йирик муаммолардан келиб чиқиб белгилаяпмиз. Сўзимнинг далили сифатида бир неча мисоллар келтираман: чирчиқлик ёш ишчиларнинг фақат 15 процентигина Иттифоқ бўйича ўртача миқдорда, яъни 200 сўмдан кўпроқ маош олади. Қишлоқларда, айниқса Фарғона водийсидаги қишлоқ ёшларининг маоши эса бундан бир ярим, ҳатто икки, уч баравар камдир. Агар бунга ёшлар ўртасидаги ишсизлик, уй-жой таъминотидаги ва ана шу мақсадлар учун қарз ва кредитлар ажратишдаги қийинчиликларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу ўринда муаммонинг нечоғли жиддий эканлиги янада равшанлашади.

Ана шу сабабли Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган ва шу куннинг долзарб вазифаларини атрофлича муҳокама қилган пленумида ҳамма бир овоздан ёшлар учун дабдабали, шов-шув бўладиган эмас, балки фақат фойдали ва зарур ишни қилиш лозим, деган хулосага келди.

Амалий ишлар қилинаётган жойларни ҳам аниқ айтиш мумкин. Масалан, Наманган областида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг сони уч баравар қисқарди. Аммо ҳозирги бригадалар илгари бўлганидек, фақат қоғозда ва расмий ҳужжатлардагина қайд этилган бригадалар эмас, балки том маънодаги бригадалардир. Уларга лозим бўлган миқдорда ер ва техника ажратиб берилди. Ўқувчилар ота-оналари ишлаётган бригадалар билан мусобақалашиб, иш ҳақи олиб меҳнат қилмоқдалар.

Яна бир мисол. Сирдарё областида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги усулларини актив тарғиб қилиш, иқтисодий таълимни такомиллаштириш асосий йўл сифатида танлаб олинди. Бу янгилик, биринчи галда, комсомол ёшлар коллективларида жорий этилмоқда. Бурноғи йили, областда 47 та ана шундай коллектив ижара бригадалари сифатида иш олиб борган эди. Улар топшириқни бажарибгина қолмай, бошқа бригадаларга нисбатан ҳар гектар ердан 50 процент кўп ҳосил йиғиб олдилар. Бултур эса ана шундай коллективлар сони тўрт ярим баравар кўпайди.

Амалий ишлар — бу комсомол обрўсини оширишга ўчун пойдевор, ёшларнинг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашнинг таъсирчан ва самарали омили, йигит ва қизларнинг социал муаммоларини ҳал этиш учун қўшилаётган салмоқли ҳиссадир. Шу сабабли бугун ана шу ҳаракатни ривожлантиришга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги марказларини ташкил этиб ва мустаҳкамлаб боряпмиз. Ҳозир республикада бундай марказлар сони 50 тага етди ва улар хўжалик шартномалари асосида 20 миллион сўмга яқин ҳажмда иш бажармоқдалар. Амалга оширилаётган бу тадбирлар ёшларни фан-техникани ривожлантириш ишига жалб этиш билан бирга, уларга бу ерда қўшимча иш ҳақи олиш имконини ҳам бермоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида ёшларни, айниқса ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. «Ёшларнинг уй-жой, қурилиш комплексларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилмоқда», деб таъкидланди бу муҳим ҳужжатда. Республика комсомол ташкилоти ҳам янги уй-жой комплекслари қурилишига алоҳида аҳамият бермоқда. (Ҳозир республикада 17 жойда ёшларнинг уй-жой комплекслари барпо этиляпти). Чунки бу тадбир ҳам йигит ва қизларнинг бир қисми бўлса-да, ўн йиллаб навбат кутиб турмай, ўз кучлари билан 1,5-2 йилда уй-жой қуриб олишлари имкониятини яратади.

Комсомол комитетларининг ташаббуси билан жамоатчилик асосида ишга жойлаштириш штаблари ва марказлари вужудга келмоқда. Студент отрядлари ҳаракати такомиллаштирилмоқда. Чунки бундай отрядлар ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини қисман бўлса-да ҳал этади. Масалан, бутун тўрт минг нафар ёшлар комсомол йўлланмалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилишларга юборилди. 34 минг йигит ва қиз студентлар отрядларида 8 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда иш бажарди.

Ёшларнинг, айниқса қишлоқдаги ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш учун янги марказлар, видеотекалар, клублар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари яратиш учун миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Кейинги икки йил ичида республикада комсомол комитетлари қошида 160 та ёшлар марказлари, ўнлаб видеотекалар очилган эди. Улар ҳозир намунали иш олиб бормоқда.

Биз, шунингдек, комсомолнинг хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Шанбаликлар, ёшларнинг лотереялари ўтказилмоқда. Булардан олинган маблағ эса ёшларнинг социал, энг аввало уй-жой муаммоларини қисман бўлса ҳам ҳал этишга берилаётир. 1990 йилда ана шу мақсадлар учун 5 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда комсомол маблағи ажратиш режалаштириляпти.

— Амалга оширилаётган мана шу тадбирларнинг қайси бирини муҳимроқ деб ҳисоблайсиз?

— Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бугунги ишимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Ёшларнинг меҳнат тарбияси ҳақида озмунча гапирдикми? Амалда эса ўсмирларнинг меҳнатидан фойдаланиб келдик. Ҳа, шу ўринда болалар меҳнатини эксплуатация қилиш деб айтишдан чўчимаймиз.

Биз ҳамма яхши нарсалар болаларга, дедиг-у, аммо авария ҳолатига келиб қолган мактаблар сони жиҳатидан республикамиз Иттифоқда юқори ўринлардан бирини эгаллашига йўл қўйдик. Афғонистонда жанг қилган байналмилалчи ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида ҳам кўп гапиряпмиз. Аммо амалий иш оз бўляпти. Масалан, кейинги икки ярим йил ичида 1,5 мингдан кўпроқ байналмилалчи жангчилар уй-жой билан таъминлашни тезлаштириш тўғрисида республика комсомоли Марказий Комитетига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Ёшларга ғамхўрлик ва улар ҳуқуқини муҳофаза этиш қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, аввало сўзда эмас, балки амалда ва таъсирчан бўлиши лозим. Масалан, студентларни пахта йиғим-теримига жалб этиш тўғрисидаги масалани олайлик. Ўтган йил кузда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, касаба союзлари республика Совети ва комсомол Марказий Комитетининг «Олий ўқув юртлари студентлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори қабул қилинган эди.

Ўзбекистон ССР КЗОТи талабларига мувофиқ ўқувчи ва студентларга меҳнат қилиш ва ҳордиқ чиқариш шароитларини яратган ҳолда уларни бир ойдан кўп бўлмаган муддатга қишлоқ хўжалик ишларига фақат ихтиёрий тарзда жалб этиш ушбу ҳужжатда асосий ўринни эгаллади. Бундай қарор барча хўжаликларнинг ва ҳатто ўқув юртларининг раҳбарларига ҳам ёқа қолгани йўқ. Ҳатто бизнинг номимизга «Сизлар студентларнинг пахта йиғим-теримида қатнашишига қаршисизлар» деган айблар ҳам ёғилди. Бундай бемаъни гап-сўзларни рад этиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунингдек, студентларимиз тўғрисида ҳам ёмон фикрга бориш нотўғри бўларди. Шу ўринда, менингча, бир мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Наманган областида студентларнинг йиғилиши ўтганида минбарга бегона бир киши чиқиб, уларни пахта теримига бормасликка чақирди. Шунда студентларнинг ўзлари уни залдан ҳайдаб чиқариб юбордилар. Хулоса қилиб айтганда, пахта йиғим-терими якуни ва кундалик ҳаёт қабул қилинган қарорнинг нечоғли тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шундай бўляптики, беихтиёр тарзда интернационал жангчилар мавзусига тез-тез тўхталишимга тўғри келмоқда. Ҳа, бу ҳозирги кундаги энг нозик мавзулардан бири. Яқинда комсомол ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, «Узсовпроф» ва республика комсомоли Марказий Комитетининг қарори қабул қилинди. Унда 1990 йил охиригача байналмилалчи жангчилар учун 1900 квартира, 1198 ер участкаси, якка тартибда уй-жой қурувчиларга эса 24 миллион сўм қарз ажратиш, шунингдек, уларга шаҳар ва пассажир транспортининг барча турларида бепул қатнаш ҳуқуқини бериш белгиланди. Биринчи группа инвалидларига 160 сўм, иккинчи группадагиларга 150 сўм, учинчи группадагиларга эса 110 сўм пенсия белгиланди. Бу «афғонларимиз» социал муаммоларини ҳал этишнинг қийин ва узоқ йўлида ташланган йирик қадамлардан бири бўлди. Йигирма ёшида ўлимга дуч келган йигитларимиз, барча одамларга, энг аввало, ўз тенгдошларига нисбатан ишончсизлик билан қарамасликлари учун ҳам бу йўл охиригача босиб ўтилмоғи зарур.

Биз турғунлик даврининг яна бир муаммосига дуч келяпмиз. Эндиликда ёш раҳбарлар ҳам муҳофазага муҳтож бўлиб қолишди. Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримовнинг «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари саволарига берган жавобида қайд этилган қуйидаги жумлаларни келтириш жоиздир: «Ўзбекистон янги кучларнинг, аввало талантли, ўсиб келаётган ёшларнинг адолат учун, тараққиёт учун ҳақиқий курашчиларнинг янги кучлари оқимига муҳтождир. Улар учун кишиларнинг, ўзлари яшаётган ўлканинг, республиканинг ва бутун мамлакатнинг манфаатлари ўзларининг ёки айрим гуруҳларнинг манфаатларидан устундир».

Хўш, нима учун мен бу гапни ёш раҳбарларнинг муаммолари билан боғлаяпман? Шунинг учунки, раҳбар кадрларни тайёрлаш, ёшларга тажриба ўргатиш системаси ҳақида жиддий ўйлаш лозим бўлиб қолди. Шу маънода менингча, «Ниҳол» комсомол илмий-тадқиқот марказидан кутилган мақсадга эришиладиган пайт келди. Ушбу марказ иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг ўсиб-ривожланишлари учун даъват этилган. Бундай ёшлар бизда жуда кўп. Фақат улар билан жиддий иш олиб бориш зарур. Биз иқтидорли йигит ва қизларни қандай рағбатлантириш лозимлиги ҳақида ҳам фикрлашиб, бошланмасига улар учун Ўзбекистон Комсомоли стипендиясини таъсис этишга қарор қилдик. Ҳозирча бундай стипендия яхши ўқиётган, аммо моддий шароити оғир бўлган ёшларга берилади. Келгусида эса иқтидорли ёшлар учун махсус мактаб-интернатлар ташкил этиш, улардан раҳбарликка кўтариш учун резерв тайёрлаш ишида ҳам қатнашамиз.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш ҳақида тўхталар эканмиз, ижодкор ёшларга, айниқса ёш авторларга эътиборни қаратмоқчиман. Уларнинг биринчи китоблари ёшлари 30 дан ошгандан кейингина чоп этиляпти. Ижодкор ёшлар аксарияти турмуш шароитлари ғоят ночор. Улар квартираларда, ётоқхоналарда истиқомат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг мажлисида Тошкент шаҳрида ёш ижодкор ходимлар учун уй-жой қурилишига комсомол маблағидан 1 миллион сўмгача пул ажратиш, ёш шоир ёки ёзувчининг йилнинг энг яхши асари деб топилган асари учун бериладиган Усмон Носир номидаги мукофотни таъсис этиш, «Ёш гвардия» нашриётида ёш авторларнинг китобларини чоп этишни бир ярим баравар кўпайтириш, ёш адабиётчилар ўртасида «Қатортол» ижодий конкурсини анъанавий конкурс қилиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мен бу ерда баъзи режаларимиз ҳақидагина тўхталдим, холос. Амалда эса бу режалар ғоят кенг, ва кўп қирралидир.

— Ёшлар ўртасида содир бўлаётган жиноятлари сони ўсиб бораётганлиги сир эмас. Жиноятларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар нималарда деб ҳисоблайсиз.

— Бу ҳусусда енгилтаклик, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртларидаги етишмовчиликлар, уй-жойлар, болалар боғчалари ва яслиларида ўринлар етишмаслиги, ёшлар эҳтиёж сезадиган молларнинг камёблиги, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш эътибордан тушиб қолгани ва бошқа сабабларни кўрсатиш мумкин. Комсомол комитетлари ташкил этган баъзи видеосалонлар ҳам бугунги кунга келиб, тарбиявий ишларимизга жиддий зарар етказмоқда. Уларнинг айримлари ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун ёрдам бериш ўрнига зўравонлик, фахш, ғарбнинг турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали осон йўл билан пул топишга берилиб кетди. Бундай видеосалонлар бизга керак эмас, албатта.

Бошқа томондан, масалан, ҳисоботларимизга назар ташлагудай бўлсак, балоғат ёшига етмаган ҳар бир ўсмирга икки-уч ва ундан ҳам кўпроқ раҳбар ва тарбиячилар биркитиб қўйилгани маълум бўлади. Аммо бу тарбиячилар фақат қоғозда бор, холос. Амалда эса ўсмирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уларга эндиликда ҳақиқий сергайрат, мард етакчилар зарур. Орамизда эса минглаб ана шундай кишилар бор. Мен бу ерда яна байналмилал жангчиларни назарда тутяпман. Ҳозир уларнинг ташаббуси билан ташкил этилган 80 та ҳарбий-ватанпарварлик клублари ўзида 10 мингдан кўпроқ ўсмирни бирлаштирган. Ҳали бу ҳам оз. Бошқа шакл ва ёндашишлар, маблағ ва, албатта, ўз ибрат кучи билан бошқаларни тарбиялай оладиган ғайратли йигитлар кўпроқ зарур. Комсомол комитетлари ҳозир айнан ана шу ишлар билан шуғулланмоқда.

— Азиз Носирович, бултур Фарғонада содир бўлган воқеалар республикамиз миқёсида партия ва комсомол ташкилотлари олиб бораётган ташкилий-тарбиявий ишларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Айтингчи, республика комсомоли штаби ана шу воқеалардан қандай хулоса чиқариб олди?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида Фарғонадаги воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар аниқ кўрсатиб берилди. Комсомолга тааллуқли бўлган вазифаларни бажариш ҳамда нима учун ёшларнинг бир қисми жиноятчиларга эргашдилар, деган саволни берган ҳолда комсомол кадрларининг жавобгарлик даражасини аниқлаш бизнинг вазифамиздир. Айни пайтда биз рўй берган воқеа учун жавобгарликни ўз зиммамиздан сира ҳам соқит қилмаймиз.

Агар Фарғона областида кейинги даврда атеистик тарбия қандай олиб борилганлиги, байналмилал тарбия усул ва услублари қандай ўзгарганлигини синчиклаб таҳлил этадиган бўлсак, бу соҳада жуда ҳам оз иш қилинганлиги, улар ҳам аниқ план ва режалар асосида олиб борилмаганлиги маълум бўлади. Икки йил муқаддам область комсомол комитети «Қувасой шаҳар комсомол комитетининг ёшларда байналмилалчилик ва совет ватанпарварлиги ҳиссини шакллантириш борасидаги иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан ва «Шаҳар комсомол ташкилотининг сайлаб қўйилган органида турли миллат вакилларининг кенг иштирок этаётгани миллатлараро жанжалларнинг ўсишига имкон бермайди, аксинча СССР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга таъсир кўрсатади», деган хулосага келган эди. Диққат қилинг-а, область комсомол ташкилоти миллатлараро муносабатлардаги мавжуд муаммолар ҳақида қай даражада тор ўйлашган ва ушбу муаммоларни жуда ҳам осон йўл билан ҳал қилмоқчи бўлишган.

Область комсомол комитети ҳатто яқин кунларгача ёшлар ўртасида ишсизлар сони тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган, комсомол зарбдор қурилишларига юборилган йигит ва қизларнинг тақдири билан деярли ҳеч ким қизиқмаган. Уларнинг кўпчилик қисми эса орадан кўп ўтмай Тюмень, Лена, БАМ ҳамда Ростов областидаги қурилиш майдонларини ташлаб, уйларига қайтиб келаверишган. Ишдаги бу нуқсонлар кейинчалик областда рўй берган фожиали воқеалардан сўнг кўзга, айниқса яққол кўринди қолди.

Мен бу салбий мисолларни тилга олаётиб, бошқа бир воқеани ҳам эслаш жоиз деб биламан. Фожиали воқеалардан бир ой олдин область комсомол комитети пленуми қатнашчилари қишлоқ ёшларининг энг муҳим ҳаётий муаммолари ҳал бўлмай қолаётганини ташвиш билан таъкидлаган эдилар. Пленум қатнашчилари номидан областда вужудга келган носоғлом иқтисодий ва социал муҳитни ўрганиш учун асосли комиссия юборишни сўраб СССР халқ депутатлари съездига телеграмма юборилган эди. Афсуски, бу телеграммага эътибор берилмади. Ушбу мураккаб даврда область комсомол комитети тутган йўлни ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан баҳолайдиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо область комсомол комитети бундай вазиятга ҳар томонлама тайёр эмасди, деб айтиш тўғрироқ бўларди. Ҳа, қақиқатни айтиш керак, бирор киши ҳам бу воқеага тайёр эмасди. Ҳаммамиз ҳам чала-ярим ишлаганмиз. Шу сабабли рўй берган фожиаларга ҳаммамиз ҳам жавобгармиз.

— Кундалик турмуш ишчи ва студентлар ётоқхоналарида яшаётган ёшларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу ерлардаги шароитнинг ёмонлиги, вақтида ҳал этилмаётган муаммолар кутилмаган воқеаларга олиб келиши мумкин. Сизнинг ана шу муаммоларга муносабатингиз қандай?

— Ҳақиқатан ҳам ётоқхоналарда барча муаммолар бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Аммо шу билан бирга бу муаммолар бошқа барча ёшлар дуч келаётган муаммолардан деярли фарқ қилмайди.

Мен шу тобда ўқув юртлари шаҳарчасини қурган архитектор ёки бюрократ раҳбарнинг кўзига тик қарашни хоҳлардим. Унинг ёки уларнинг тасаввурида студентлар учун гўё аудиториядан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Оддий дафтар ё китоб харид қилиш учун ҳам студентларнинг шаҳарга қатнашига тўғри келаётганлигини хаёлингизга келтиринг-а. Ётоқхоналарнинг жиҳозланиш даражаси-чи? Бу ерда фақат комсомолнинг аралашуви билан барча ишлар ҳал бўлиб кетавермайди.

Шу сабабли навбатдаги низолар олдини олиш учун баҳоналар, сохта сабаблар билан эмас, балки студент ва ёшларимизни социал ҳиссадан маҳрум этиш каби иллатларга қарши кураш олиб бориш зарур. Чунки ёшларни ҳамма нарсадан қуруқ қолдириш уларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади, холос.

— Охирги савол. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, студент ва ёшларнинг маълум бир қисми кўп жиҳатдан «Бирлик» норасмий уюшмаси ғояларини қўллаб-қувватламоқда. Республика комсомоли Марказий Комитетида умуман ана шу уюшмага муносабат қандай?

— «Бирлик» программасида ҳақиқатдан ҳам асосан Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги муҳим ва мураккаб муаммолар қайд этилган. Уларнинг республика ёшлар газетасида босилган низомини ўқиб, ана шунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида «Партия норасмий уюшмалар ва ҳаракатлар , билан мулоқот олиб боришга тайёрлигини билдиради. Аммо улар социализм ва интернационализм ҳаракат дастурига амал қилиши, совет қонунларига қатъий риоя қилиши шарт», деб таъкидланди. Республика комсомол ташкилоти ҳам мана шу ғояни қўллаб-қувватлайди ва шу йўлда қатъиятлик билан иш олиб боряпти. Масалан, ўтган йилнинг май ойида Марказий Комитетимизда уюшма раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтган ва унда мураккаб, аммо жуда ҳам зарур масалалар ҳақида суҳбатлашиб олгандик. Республика комсомоли Марказий Комитети пленумида эса биз иқтисодий ва маънавий янгиланиш учун ишлаётган «Бирлик» ва бошқа норасмий уюшмаларнинг соғлом гуруҳлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни яна бир карра тасдиқладик. Бу ишни ёшлар ташкилотлари комитети фаолияти доирасида (айтгандек, унинг фаолияти кейинги даврда батамом қайта қуриб чиқиляпти) олиб бориш мумкин эди. Бу ҳақда мен шу газетада босилган мақоламда айтгандим.

Бироқ бугун бошқа нарсани ҳам таъкидлашни лозим деб биламан. Норасмий уюшмалар республикадаги социал-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун ҳеч қандай асосли таклифлар киритаётганлари йўқ. Аммо улар қайта қуриш учун ёшлар стихияли ҳаракатини ўзларига бўйсундиришга ва бунда партия органларига тазйиқ ўтказиш учун фойдаланишга уринмоқдалар. Биз бундай уринишларга қатъиян қаршимиз.

Хотимада яна бир масалага тўхталиб ўтишни истайман. Комсомол ҳозир оғир дамларни бошидан кечиряпти. ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленумида комсомолнинг ҳозирги аҳволи кризисли ҳолат деб баҳоланди. Бу эса бутун фаолиятимизни янгилашни, уни тубдан қайта қуришни тезроқ амалга оширишимизни талаб этади. Ёшлар бизнинг союзимизда эркин фикрлайдиган, баҳслаша оладиган, мустақил ҳаракат қила оладиган, революцион янгиланишда, мамлакатни, республикамизни иқтисодий кризис ҳолатидан олиб чиқишда фаол қатнашадиган бўлишига эришмоғимиз керак.

Бизнинг севимли газетамиз ўз саҳифаларида комсомол тўғрисида, унинг муваффақиятлари, шунингдек йўл қўяётган нуқсонлари тўғрисида, ёшларимиз ҳақида кўпроқ ёзиб, ана шу ишларда катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Чунки, ёшлар республикамиз келажагидир. Зотан улар янгиланиш ва қайта қуриш даврида яшаяптилар. Ғоят мураккаб, ғоят ажойиб даврда ишлаш эса бизнинг зиммамизда.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» газетаси махсус мухбири Р. ТУРСУНОВ олиб борди.

Харидор талаби ҳисобда

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи коллективи кейинги йилларда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Бу ерда тайёрланаётган ошхона буюмлари харидорларга манзур бўлаётир. Йил бошидан корхонада маҳсулот турлари янада кўпайтирилди. Магазинларнинг пештахталарига зангламайдиган металлардан тайёрланган ҳар хил маҳсулот сақлайдиган ва тузлама идишлари, сув иситгичлар, сув ўтказгич системалари ва бошқа рўзғор буюмлари жўнатилади. Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги буюртмасига кўра кўплаб барокамералар тайёрлашга киришилди.

Айни кунларда корхонада ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили зарбдор вахтаси давом этмоқда. Бу ерда, айниқса, ёшлар кўп. Улар ҳалол, виждонан меҳнатлари билан корхона шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда. Еш, сергайрат ишчилардан Т. Қурбонова (чапда) билан С. Сулаймонова ана шундай сергайрат ёшлардан. Уларнинг ғайрат-шижоати билан корхона мўлжалдаги топшириқларни шараф билан бажариб келаётир.

О. ЖУРАВЛЁВ суратлари (ЎзТАГ).

• АКС-САДО

«ЖУВОЗИНГИЗ БОРМИ?»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг ўтган йил 23 август сонида «Жувозингиз борми!» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақола кенг газетхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Улар халқ заковати билан яратилган бу «завод» маҳсулотининг шифобахшлиги, шунингдек тақчиллиги, жувозларни қайта тиклаш ва унинг ривожланишига кенг қамровли йўл очиб бериш лозимлиги ҳақида куйиниб ёзадилар.

Қуйида редакциямизга тушган ана шундай мактубларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Қунт керак

Шундай мақолани халқ муҳокамасига ташлаган редакцияга катта раҳмат. Қани энди, ушбу мақола турткси бўлса-ю, республикамизнинг барча бурчакларида жувозлар ишга тушиб кетса! Бу Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшилган азим ҳисса бўлади.

Илгарилари Нурота галлакор район ҳисобланарди. Бугдой, арпа, тариқ, зиғир, кунжут ниҳоятда кўп экилар, колхоз ҳам, одамлар ҳам ҳисобсиз маҳсулот йиғиштириб олишарди. Ҳар бир хўжаликда 1 та, 2 тадан жувозлар бўлгучи эди. Энди эса буларнинг бари орзу бўлиб қолди. Нега?

Биринчидан, одамларда «тайёрга айёрлик» касали пайдо бўлган. Ҳатто ўз моллари учун ҳам хашак йиғмайдилар, давлатдан сомон олиш илинжида бўладилар. Хўжалик раҳбарлари ҳам давлатнинг қанча-қанча пулини сарфлаб узоқ вилоятлардан ем-хашак олиб келишга моҳиру, ўз ерларида тузукроқ маҳсулот етиштиришга қурби етмайди.

Иккинчидан, уларда меҳнатга ҳақиқий эҳтиёж йўқ. Баҳона эса ниҳоятда кўп. Афсуски, баҳона билан зиғир ўсмайди, жувоз ўз-ўзидан барпо бўлиб қолмайди. Бунинг учун қунт ва сабот керак. Шундагина халқимиз севиб тамадди қиладиган жувоз мойлари дўкон пештахталарини безаши шубҳасиз.

Э. АСАБОЕВ,
республика аҳамиятига молик пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси,
Нурота райони.

Пок ёғ

Табиатнинг бебаҳо неъмати — жувоз мойини илгарилари бизда пок ёғ деб аташарди. Бора-бора бу ном унутилиб бораётир. Негаки ҳозир фарзандларимизга нафақат бу ном, жувоз термини ҳам арханк сўзга айланиб қолган. «Совет Ўзбекистони» ана шу муаммони кўтариб, жуда тўғри иш қилди деб ўйлайман. Негаки, бу нафақат биз кексаларни, ҳали ўзлигини, тарихини унутмаган ёшларни ҳам севинтиради.

Бу ёғ бобокалонларимизнинг ҳаёт тажрибаларида неча бор синаб кўрилган шифобахш неъматдир. Уни ширин ва калорияли бўлсин учун кўпроқ зиғир, кунжут ва қовун уруғларидан тайёрлашган. Афсуски, пахта ёғи пайдо бўлгач, пок ёғга эътибор берилмай қўйилди. Мен урушдан кейин ҳам Бухорода, унинг қатор районларида кўплаб жувозлар борлигини яхши эслайман. Ҳамро Содиқ, Эргаш бобо ва Шукурбобо деган жувозкашлар бўлишарди. Уларни атроф-даҳаларда ҳамма биларди. От ва туяларда янчилган маҳсулотларнинг харидори бисёр эди.

Газетада таъкидлангандек, ҳозир ҳам жувозларни қайта тиклаш ва ривожлантириш—давр талаби. Жувоз қуриш қимматга тушмайди. Ҳар бир хўжаликда от, ҳўкиз бор, ҳатто туя ҳам топилиши мумкин. Шу ҳайвонлардан унумли рационал фойдаланиш зарур. Электр энергияси эса хўжаликни чиқимдор қилиб қўйиши мумкин.

Яна бир муаммо. Қовун-тарвуз уруғлари тақчил, уни топиш қийин дейишади. Менимча, улар тақчил эмас, аслида ўзимизда уддабуронлик фазилати тақчил. Назаримда, полиз сайли, қовун сайли, ширинак (ўйини) каби халқ анъаналарини тиклаш керак. Шунингдек, полизчилик павильонларида, мева-сабзавот дўконларида ҳам катта исроф-гарчиликка йўл қўйилмоқда. Жувозчи хўжаликлар ана шу савдо нуқталарини шатакка (оталиққа) олсин, нур устига аъло нур бўлади.

Бундан ташқари жувозхона кундаси (дўнгаги) ва ёрғичоғини ясовчи усталарни топиш ҳам амри маҳол бўлиб қолмоқда. Уларнинг тажрибасини ёшларга ўргатиш борасида ҳам хайрли ишларни бошлашнинг вақти келди.

Хуллас, халқ донишмандлигининг заковати туфайли яратилган, ҳаёт тажрибалари хумдонида пишиб етилган инсоний истеъмол нознеъматларига нафақат эътибор, эҳтиром ва эъзоз ҳам зарур.

Р. ШАМСИЕВ,
**партия ва меҳнат

ИЖАРА—МУСТАҚИЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Ўтган 1989 йил мамлакатимиз ҳаётида катта воқеаларга бой бўлди. Жамиятни қайта қуриш, халқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий ва иқтисодий омилларни кучайтириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиёти бўйича қатор қарорлар қабул қилиндики, бу ҳужжатлар меҳнаткашларнинг мустақил ва эркин ишлашлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

СССР Олий Советининг «Ижара тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун асосларини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисидаги низом ҳақида»ги фармони ана шундай муҳим ҳужжатлардир. Бу қонунлар — бугунги кунда республикамизда ижара пудратида ишлаётган пахтакор, чорвадор, сабзавоткор ва бошқа соҳа меҳнаткашларининг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади. Ерга, табиат ресурсларига, шартномавий мол-мулкларга нисбатан хўжайинлик туйғусини оширди, шунингдек уларга катта масъулият ҳам юклади.

Қуйида республикамизда ана шу янги усулда меҳнат қилаётган чорвадор ва пахтакорларнинг ташвиш ҳамда қувончлари билан танишасиз.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхози сут-товар фермасида Тешабой Болтабоев етакчилигидаги ижарачи чорвадорлар бригадаси эришган ютуқлар диққатга сазовор. Бригада 340 бош соғин сигирлар маҳсулдорлигини оширишда фаол иштирок этяпти.

Ютуқлар эса қувончли. Ўтган йили коллектив ҳар бош сигирдан 3 минг килограммдан сут соғиб олди. 1988 йилга нисбатан давлатга 200 тоннадан зиёдроқ сут сотилди. Айниқса бақувват, соғлом бузоқлар олингани ферманинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат беради.

Суратда: совхоз бош зоотехниги Маҳмуд Қўчқоров билан сут-товар фермасининг ҳисобчиси Абдулҳаким Мирзааҳмедов.

Р. АШУРОВ сурати (ЎзТАГ).

ҚАДР ТОПЯПТИ

Уч йил бўлди. Ижарачи звено бошлиғиман. Фарзандларим ёнимга кириб қолган. Турмуш ўртоғим эса оддий ишчи. У фақат бўш вақтларидагина бизга қарашади.

Уч — гектар ерни аёл бошим билан ижарага олганимни эшитиб айримлар таажжубланган эдилар. Бироқ ўзим деҳқон қизи бўлганим учун ерни авайлаб, яхши парвариш қилсак, пешона терини аямасак, у ҳам мўл ҳосил билан жавоб беришини яхши билардим. Бизга ажратилган ерни кўздан кечирсам аҳволи яхши эмас. Ҳадеб минерал ўғит солавериб, заҳарли химикат ишлатавериб соғ ерни «гиёҳванд» қилиб қўйибмиз. Ўша йили ота-боболар удумига кўра ижара ерга эски пахса, бузилган уйларнинг кесакларини, 40-50 тонна маҳаллий ўғитни солиб яхшилаб шудгор қилдик. Қишда яхоб бердик.

Уруғни эрта баҳордаёқ экиб, чигитни тупроқнинг ўз намига ундириб олдик. Бунда ҳикмат кўп. Чунки колхозимиз Помир — Олой тоғ тизмалари этакларида жойлашган. Иқлими бир мунча совуқ. Ҳосил кечки бўлса йиғим-терим албатта, ҳаддан ташқари чўзилиб кетади.

Ез бўйи болаларни ёнга олиб далада тер тўкдик. Ҳозир баъзи бировлар ижара пудрати болаларнинг ўқишига халал беряпти, яна улар меҳнатидан фойдаланяпти, дея жар солишяпти. Биз болаларни ўқишидан ажратиб далага судраганимиз йўқ. Аксинча, деҳқон боласи дала ҳавосидан нафас олиб улғаяди. Қўли кетмон тутишга ўрганади. Унда ерга муҳаббат туғилади. Иккинчидан, ота-она қандай меҳнат билан оила тебратаётганини англаб етади.

Ўша йили планни 160 фоизга бажардик. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Ўтган йили ҳам ишимиз чакки бўлмади. Планлар ўз вақтида тўлди. Яхшигина даромад олдик.

Колхозимизда оилавий звенолар кўпайиб кетди. Ҳозирнинг ўзида 221 та ижара пудрати асосида ишлайдиган пахтачилик звенолари бор. Гапнинг тўғриси — илгари колхозимиз райондаги энг қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Доимо хўжаликлар рўйхатининг охирида юрардик. Мана, ижара пудратига ўтиш шарофати туфайли бултур районда биринчи бўлиб планни бажардик. Колхозимизда худди мен сингари ижарачи аёллар кўп. Д. Соибшоева, М. Набиева каби аёллар бошлиқ бўлган ижарачи звенолар мўл ҳосил кўтаришди. Бизнинг звеномиз ҳам биринчилардан бўлиб планни бажарди.

Ижара пудрати усулида ишлашда деҳқон меҳнати қадр топар экан. Илгарилари ҳамма ёппасига ишлар, деҳқонда масъулият кам, шунинг учун кўпроқ буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан иш битказардилар. Қишлоқларда ҳатто терим пайтлари тўй қилиб ҳам бўлмас эди. Шунақа долзарб пайтларда тўй қилган одамларнинг уйига милиция келиб қозон-товоқларини ағдар-тўнтар қилиб ўборган пайтлар ҳам бўлган. Хайриятки, ижара пудрати, эркин меҳнат бор экан. Деҳқонни ҳар қандай зўғумдан қутқарди. Иш ҳам кетяпти, тўйлар ҳам ўтяпти. Планлар ҳам бажариляпти.

Пахтанинг харид нархини ошириш бўйича партия ва ҳукуматимиз олға сураётган таклифларни биз қўллаб қувватлаймиз. Мана, бир мисол. Бизнинг оилавий звеномиз колхозда энг сердаромад ҳисобланади. Масалан, ўтган йилги якунлар бўйича 4974 сўм даромад қилдик. Бу колхоздаги ижарачи звенолар орасида энг юқори кўрсаткич бўлди. Бироқ биз оилада 8 жонмиз. Йиллик даромадни жон бошига ҳисобласа қанча бўлади? Бу албатта, катта рўзғорни юритиш, болаларга яхши ўқишлари, соғлом ўсишлари учун нормал шароитлар яратиб беришга камлик қилади. Шу боис пахтанинг харид нархини янада ошириш керак, деб ўйлаймиз.

С. ИБРОҲИМОВА,
Фарғона районидаги Алишер Навоий номли колхознинг звено бошлиғи.

УЙҒОНИШ

МЕН Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ижара ҳақида чиқарган фармонини ўқиб, ўз иш фаолиятимга назар ташладим. Ўтган 1989 йилда колхоздан шартнома бўйича 6 гектар ер олиб иш бошлаган эдим. Бироқ ижара ҳақини тўлагани, уруғлик, ўғит сотиб олгани ва техникадан фойдаланиш учун маблағим йўқ эди. Бу ишларни хўжаликдан қарз олиш ҳисобига амалга оширдим. Йил давомида турмуш ўртоғим Ҳафизахон, қизим Нодирахон, ўғлим Назиржон билан меҳнат қилдик. Ғўза парвариши билан боғлиқ барча ишларни ўз вақтида, сифатли бажариш, агротехниканинг бузилишига йўл қўймаслик диққат марказимизда бўлди. Хўжаликдан қарз олинган маблағнинг ҳар бир сўмини тежаб-тергаб сарфладик. Техникадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Биз пахтани машинада териб катта фойда кўрдик. Агар топширилган пахтани қўлда терганимизда 4 минг сўм сарфланарди. Машинада терилган пахтанинг ҳар тоннаси учун механизаторга 15 сўмдан тўладик. Бошқа ҳаражатлар ҳам 15 сўмдан ортмади. Биз бир тонна пахтани териб топшириш учун 30 сўмдан сарфладик, холос. Шунинг учун ҳам манфаатдорлигимиз юқори бўлди.

Ижарачиликдаги ютуқлар бизни қувонтиряпти. Лекин уни янада ривожлантиришга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Менимча, ер ижарачига камида 5—10 йилга берилиши керак. Токи ижарачи ўзининг ҳақиқий хўжайинлигини ҳис этсин.

Ш. ЗОИТОВ,
Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхози ижарачиси.

ИШЛАГАН—ТИШЛАЙДИ

КУНДАЛИК ҳаёт кўрсатиб турибдики, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантириш ишлаб чиқаришни ташкил этишга, меҳнатга ҳақ тўлашга принципиал ёндошувга боғлиқ. Меҳнатни уюштиришнинг янги формаси — ижара пудрати ҳам қийинчиликлар билан ўзига йўл очиб, афзалликларни исбот қилмоқда.

Ўтган йили Ғузор районидаги «Пачкамар» совхози тўлиқ ижара пудратига ўтказилганди. Учта қўйчилик фермаси цехларга айлантирилди. Отар бошлиқлари дирекция билан шартнома тузди. Энди энг муҳими—меҳнатга ҳақ тўлашда адолат қарор топди. Ҳеч ким ранжимайди, қанча ишласа шунча ҳақ олаверади. Моллар озиқ-овқати ва техникадан тежаб фойдаланиш ҳам коллектив манфаатдорлигини таъминлади.

— Дастлаб тўрт-беш нафар чўпон биз билан чўчиброқ шартнома тузган эди, — дея гап бошлади совхоз директори Ўткир Жумаев. — Қарасак, ижара ёмон эмас. Сўнгра талабгорлар кўпайиб қолди. Қисқа вақтда 65 нафар қўйчивон ижарага ўтибди. Агар ижара пудратига юзаки ёндошиб, расмиятчилик қилганимизда унинг оммавий жорий этилишига эриша олмасдик. Илгари бир фермага ўнта автомашина, трактор-тележка ҳам етишмасди. Ҳозир битта-иккитадан зиёдини олишмайди. Ахир қанчалик кўп техника ишлатишса, харажат ҳам ортаверади-да. Чунки, эҳтиёт қисм, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳақи ҳам ферма зиммасига тушади.

— Шундай экан техника бекор туриб қолмайдими? — сўраймиз директордан.

— Йўқ. Механизатор ва шофёрларга ҳам дуруст ҳақ тўлашимиз керак. Ортиқча техникамизни пулли хизмат эвазига район ташкилотларига, зарурманд кишиларга беряпмиз.

Директорнинг ижара пудрати афзалликларидан хурсанд бўлганича бор. Олдинига ижаранинг фойдасини тушунмай юрганлар ҳам энди хўжалик юритишнинг бу формасини қизғин қўллаб-қувватлашмоқда. Мана, 1-цехдан бош чўпон Панжи Абдуллаевни олайлик. У кўкламда ҳар юз бош совлиқдан 104 тадан соғлом қўзи олди. Бу совхоз кўрсаткичидан анча паст. Аммо ўз хатосини кечикиб бўлсада англади. Қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдирди. Ҳозир ўғли Шерали Абдуллаев билан бир отар—486 бош қўйни боқмоқда. Ота-боланинг йиллик даромади 6 минг 960 сўмни ташкил этаётир. Албатта, бунга мукофотга берилган 17 та қўзи кирмайди. Демак, ишлаган тиқилади.

Ижара пудрати совхоз учун иқтисодий ишнинг ташкил этилишига айланди. Ҳар бир чорвадор ўз шахсий меҳнат ҳиссасига қараб шу қозонда ўзининг қандай улуши борлигини яққол тасаввур этади. Хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш бу ерда ҳамманинг, ҳар бир кишининг кундалик иши бўлиб қолди. 1-цехдан Норқобил Тўраев, Жовли Умрзоқов, Бўри Қодиров, Соат Шералиев, 2-цехдан Бегимқул Қаҳҳоров, Номоз Раҳматов, 3-цехдан Соат Шаймонов, Хонимқул Чоршанбиев, Ҳазрат Муродов, Турди Шойқулов сингари ижарачи чўпонлар яхши меҳнат қилиб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқдалар.

Совхоз ижарачи чорвадорларнинг ғайрат ва шижоати туфайли давлатга 381 тонна гўшт, 5 минг 200 дона қорақўл тери, 404 центнер жун тайёрлаб, бу соҳалардаги йиллик планларини ошириб бажарди. 300 минг сўмга яқин маблағ иқтисод қилинди. Биргина техникани ўз йўриғида ишлатиш хўжаликка 56 минг сўм соф фойда келтирди. Ҳисоб-китоб қилинса, хўжалик юртишнинг ижара пудрати совхоз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини дарҳол сезасиз.

Шу кеча-кундузда чорвадорлар ферма ва отарларида қишлов намунали ўтказилмоқда. Мавжуд 234 та қўра, 56 та қўтон сифатли ремонт қилинди. Мақсад 30 минг бош қўйни қишловдан талофотсиз олиб чиқиш ва баҳорда ҳар юз бош совлиқдан ўртача 110 тадан соғлом қўзи олишга қаратилмоқда.

— Ҳамма ишларимиз яхши, аммо қоракўлчиликнинг келгуси истиқболи бизни ғоят ташвишлантирмоқда. — дейди совхоз директори. — Биласизми, яйловлар эгасиздек топталяпти. Машина-тракторлар юраверганидан қир-адрлар унумдорлигини йўқотяпти.

Чўпонлик ниҳоятда оғир иш. Бу касб эгаси йил-ўн икки ой тиним билмайди. Шунга кўрами бу касбга ёшлар ўртасида ҳавасмандлар йилдан-йил камайиб боряпти. Очиғи ўринбосарлар етишмайди. Ҳарбий хизматга кетган йигитлар чўпонлик касбига қайтиб келишмаяпти.

Яна бир муаммо: чўпон болалари таълим олаётган мактаблар ночор аҳволди. Ўн олти, Ўтари, Қорайли қишлоқларидаги мактаб бинолари талабга жавоб бермайди. Янги мактабларнинг лойиҳаси тайёр, лекин мутасадди ташкилотлар планга киритишмаяпти. Шунингдек, чорвадорларга медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳам талаб даражасида эмас.

Совхозда суғориладиган ерлар оз. Шунинг учун ҳам озуқа тўплашда қийинчиликларга дўч келиняпти. Тошкент, Оқ билак селхоналари қурилганда қўшимча 900 гектар ерни суғориш имкони туғилди. Афсуски, «Қаршистрой» бирлашмаси бир неча йилдан бери селхоналар қурилишини сабабсиз орқага сурмоқда.

Хуллас, ижарачи чўпонлар ҳали яхши яшаб, яхши меҳнат қилмоқдалар деб бўлмайди. Мавжуд тўсиқлар ва муаммолар тезроқ бартараф этилса, бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришиш мумкинлигини пачкамарликлар тўла ҳис қилганлар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муносиб номзодлар

Республикамизда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. ЎзТАГ мухбирлари округ сайлов комиссиялари қуйидаги номзодларни рўйхатга олганликлари тўғрисида хабар қилдилар:

351-Қарлуқ сайлов округидан — Олтинсой район «Ленинград» колхозининг раиси Н. Меликулов; қишлоқ хўжалик экономикаси Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Усмонов.

* * *

437-Заркент сайлов округидан — Тошлоқ район Карл Маркс номли колхоз раиси К. Даминов; Тошлоқ район сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи К. Умаров.

* * *

464-Хонқа сайлов округидан — Хонқа район партия комитетининг биринчи секретари Б. Жуманиёзов; Хоразм область Хонқа районидаги хўжаликлараро 288-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Д. Йўлдошев.

* * *

477-Манғит сайлов округидан — Қорақалпоғистон АССР Амударё район «Манғит» совхозининг механизатори Т. Каримова; шу райондаги Горький номли совхоз сут соғувчиси У. Юсупова.

* * *

3-Фарҳод сайлов округидан — Тошкент шаҳридаги 44-ўрта мактаб директори О. П. Федина.

АДВОКАТНИНГ ИЛТИМОСИ

5 январь куни СССР олий судида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг порахўрликда айбланаётган собиқ секретари Р. Абдуллаева иши юзасидан суд мажлиси бошланди. У 5 минг сўм пора олганликда айбланади. СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси иш юзасидан раислик қилаётган Л. Чистякова, халқ маслаҳатчилари Н. Бордеану ва Ф. Раяновдан иборат составда; давлат қораловчиси вакили, СССР бош прокурорининг катта ёрдамчиси С. Голев ва судланувчини ҳимоя қилаётган Москва область адвокатлар коллегиясининг аъзоси Ю. Иванов иштирокида мажлис қилмоқда.

1983 йилнинг 27 апрелида Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги комитети Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси БХСС бошлиғи А. Музаффаров пора олаётганида шахсан қўлга олинганлиги факти юзасидан жиноий иш қўзғатган эди. Ушанда бошқа бир қанча ишлар, шу жумладан Абдуллаева иши ҳам бошланган эди.

Терговда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаган Абдуллаева 1984 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биносидаги ўз иш хонасида Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг собиқ биринчи секретари М. Худойбергановдан 5 минг сўм олганлиги аниқланди. «Абдуллаева ЎзССР Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланганида... муайян даражада унга қарам бўлган Худойберганов секретарнинг қўллаб-қувватлашига ва ҳомийлигига эришиш мақсадида, уни пора бериш йўли билан сотиб олишга қарор қилди», — дейилади айблов хулосасида.

Абдуллаева ўзини айбдор деб тан олмади, Худойберганов унга туҳмат қилаётганини айтди. У ўзининг бу сўзларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йил июнь пленумида кадрларни танлаш масаласида Худойберганов билан жанжаллашиб қолганлигида, деб изоҳлади. Абдуллаева агар Худойбергановнинг ўзи пора олган бўлса, бу пораларни бошқаларга «бўлиб ташлаши» кераклигини ҳам таъкидлади...

Айни вақтда айблов фикрида Абдуллаева пора олганлигини илгари тан олганлиги айтилади. У ўзининг терговда айтган сўзларини шундай тушунтирди: «...мен қаршилик кўрсатиш... ва менга қўйилган айбни иккор этиш фойдасиз эканлигини тушуниб, терговда айбларни тан олиш йўлига ўтишга, кейин эса суда уларни иккор қилишга ва тергов қандай усуллар билан олиб борилганлигини фош этишга қарор қилдим...».

Шундан кейин у яна бир неча марта ўз кўрсатмаларини ўзгартирди. Охир-оқибатда тергов тазйиқи остида қариндош-уруғлари учун хавотирга тушиб, ўзига ўзи айб қўйганлигини айтди. Айблов фикрида Худойберганов порахўрликда, шу жумладан Абдуллаева иши юзасидан ҳам айбланганлиги қайд этилади. У Абдуллаевага пора берганлигини бўйнига олди. Лекин ўтган йилнинг 26 октябрида айблов фикридан бир қанча далилларни, жумладан Абдуллаева билан боғлиқ далилни олиб ташлаш тўғрисида илтимос қилди. Тергов фикрига қараганда, у ўзининг бу илтимосини ҳеч қандай асослаб бермади. Тергов унинг раддиясини танқидий баҳолади.

Суд мажлисининг биринчи куни адвокат Ю. Иванов бир неча илтимос билан чиқди. У Абдуллаева сақланган тергов изолятори маъмуриятидан уни сўроқ қилиш вақти ҳақида ҳужжат сўрашни илтимос қилди. Чунки Абдуллаева тергов ҳужжатларида уларнинг қанча давом этганлиги тўғрисидаги маълумотлар бузиб кўрсатилган, деб ҳисобламоқда. Ҳимоячи Абдуллаева судга тақдим этиш учун ариза ёзишни иста ганлигини, уни ёзишда ёрдам беришларини сўраб ҳузурига адвокат киритишларини илтимос қилган аризаси судга тушмаганлигини қайд этди. Ивановнинг фикрига қараганда бу ҳимоя қилиш ҳуқуқининг бузилиши саналади. Суд адвокатнинг бу илтимосларини қондирди.

Ю. Иванов сўроқ қилиш учун 1987—88 йилларда тергов изоляторида Абдуллаева билан бирга сақланган кишиларни аниқлашни илтимос қилди. Чунки судланувчи бу шахслар уни ёлғон маълумотлар бериши учун «қийноққа» олганларини таъкидламоқда. Ҳимоячининг фикрига қараганда, Абдуллаева амалда фақат Худойберганов кўрсатмалари асосида айбланмоқда. Бинобарин, деб таъкидлади адвокат, Худойбергановнинг гўёки унга берган поралари тўғрисидаги, бир қанча бошқа ишлар борасидаги маълумотларни тергов етарли эмас, деб топган ва бу ишлар тўхтатиб қўйилган эди. Абдуллаевага худди шундай далил исботлар асосида айб қўйилган, деб ҳисоблайди Иванов, лекин шунга қарамай иш судга юборилган. Шу муносабат билан адвокат судлов коллегиясидан мазкур ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг нусхаларини СССР прокуратурасидан талаб қилиб олишни сўради. Суд унинг бу илтимосларини қондирмади.

Ҳимоячи бундан ҳам муҳимроқ илтимосини айтди. Маълумки, қонунга биноан депутат (бу ўринда Абдуллаева назарда тутиляпти) республика Олий Советининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Сессиялар оралиғидагина мазкур республика Олий Совети Президиумининг розилигини олиш етарлидир.

СССР Бош прокурорининг ўринбосари А. Катусев шундай розилик берилишини сўраб тегишли ҳужжатни тақдим этган эди. Унинг тақдимномаси 1987 йил 27—28 октябрь кунлари бўлган сессия муҳокамасига тақдим этилиши керак эди, деди адвокат. Бироқ бундай бўлмади, деди Иванов. Абдуллаева сессияда қатнашди, 29 октябрда эса қамоққа олинди. Адвокатнинг таъкидлашича у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг тегишли қарорини икки йилдан кейингина ўз кўзи билан кўрган. Бу қарор, деди Иванов, 1987 йил 28 октябрда чиқарилган. «Абдуллаева уни сохта ҳужжат, деб айтмоқда, чунки 1987 йилнинг 28 октябрида, унинг сўзларига қараганда, президиум мажлиси бўлмаган», — деди адвокат. Ҳимоячининг фикрига қараганда унинг бу гапларини албатта текшириш керак. Ю. Иванов, агар шу тўғри бўлса, унда Абдуллаевани жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал этилмагунича, бу ишни судда кўрилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Адвокат Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бир қанча аъзоларининг жавобгарликка тортилиши ҳақида Президиумнинг ҳужжатлари йўқ» — деб жавоб берди.

Прокурор С. Голев мазкур масалани аниқлаш принципиал жиҳатдан муҳим эканлигини таъкидлади; у судга тақдим этган ҳужжатлардан, жумладан, мазкур қарор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аъзоларини сўраш йўли билан қабул қилинганлиги кўринибтурибди. Адвокат ўз навбатида бундай қарорларни шундай йўл билан қабул қилиш тўғрилигига шубҳа билдирди.

Судлов коллегияси ишни кўриб чиқишни давом эттириш керак, деган қарорга келди.

Судланувчи ўзини айбдор деб тан олмади.

Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири.

«РЎЙХАТДА ЙЎҚЛАР КИРИТИЛМАСИН»

Қўлимиздаги актга 28 киши имзо чеккан. Улар орасида партия ва совет ходимлари, бригадирлар, оддий деҳқонлар бор.

